O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR
CHILONZOR TUMAN
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ЧИЛАНЗАРСКОГО РАЙОНА
г. ТАШКЕНТА

2019 йил "23" августа № 2044

Умумтаълим мактабларига бириктирилган микроҳудуд доирасида яшовчи, лекин таълим тили бўйича шу таълим муассасаси томонидан қамраб олинмайдиган ҳамда туман ҳудудлар (маҳалла, кўча ва уйлар)ни ва болаларни таълим муассасаларига қабул қилиш юзасидан умумтаълим мактабларига бириктириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий реламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 469-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 13 июндаги 847-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда туман Халқ таълими бўлимининг 2019 йил 1 июлдаги 02-3/2-767-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Микроҳудуд доирасида яшовчи, лекин таълим тили бўйича шу таълим муассасаси томонидан қамраб олинмайдиган болалар тегишли тартибда йиғим ундирилмаслик шарти билан бошқа таълим муассасаларига бириктириш 1-иловага, туман ҳудудлар (маҳалла, кўча ва уйлар)ни ва болаларни таълим муассасаларига қабул қилиш юзасидан умумтаълим мактабларига бириктириш бўйича қўшимча бириктириш рўйхат 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.Туман ҳокимининг ўринбосари (А.Халметов), туман Халқ таълими бўлими (И.Атаков), тегишли бўлим ва бошқармалар билан биргаликда туман ҳудудидаги "Лутфий" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилаётган 24 та кўп қаватли уйларга кўчиб келиши назарда тутилаётган болалар 183-сонли умумтаълим мактаби томонидан вақтинча тегишли тартибда йиғим ундирилмаслик шарти билан қабул қилиниши;

туман ҳудудидаги "Дилобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги қурилган 68а-сонли кўп қаватли уйга кўчиб келиши назарда тутилаётган

болалар 182-сонли умумтаълим мактаби томонидан қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

3. Туман ҳокимлигининг Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (Б.Абдухамитов), Матбуот хизмати (М.Боллиева):

қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида regulation.gov.uz порталига, шунингдек "Тошкент Оқшоми", "Вечерный Ташкент" газеталарида мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

4.Туман ҳокимининг ўринбосари (А.Халметов), туман Халқ таълими бўлими (И.Атаков):

мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

5.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Халметов ҳамда туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчиси И.Атаков зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С.Махаметов**

Келиш тўғри
Б. Расулов

UMUMIY BO'LIM

Туман ҳокимининг
23 август 6 даги
2044 -сонли қарорига
2-илова

Чилонзор тумани ҳудудлар (маҳалла, кўча ва уйлар)ни ва болаларни таълим муассасаларига қабул қилиш юзасидан умумтаълим мактабларига бириктириш бўйича қўшимча

РЎЙХАТ

Мактаб	Маҳалла фуқаролар йиғини	Манзил	Изоҳ
101	“Шухрат”	19 мавзе, 7, 8, 9, 10, 18,29,30,30А,31,32, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60- уйлар	Эски рўйхат бўйича кўрсатилган 61,62,63,64,65,66,66/5-уйлар “Кичик Хирмонтепа” МФЙда жойлашганлиги аниқланди ва унга қўшиб қўйилди
101	“КичикХирмонтепа”	19-мавзе, 1,2,3,4,5,12,13,16, 17, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 24А, 25, 26, 27,28, 61, 61/1,62, 63, 64, 65, 66,66/1, 66/2, 66/3, 66/4, 66/5-уйлар	Тушириб қолдирилган 1,2,3, 4,5, 12,13,28, -уйлар рўйхатга қўшилди. 66/1, 66/2, 66/3, 66/4, 66/5уйлар рўйхатда кўрсатилмаганлиги сабабли тушиб қолган
168	3-Катта Чилонзор	3-мавзе, 1, 2, 3, 4, 5, 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 22, 22а, 22б, 23, 26, 27, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 36а, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45 уйлар	3-мавзе 22а ва 22б уйлар рўйхатда кўрсатилмаганлиги сабабли тушиб қолган
168	Новза	Е мавзе; 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 9а, 10, 12, 13, 14, Мавзе И 24; 7, 8, 9, 10, 11, 13, 14, Мукумий кўча138, 22,20а, 20б, 20в, 21, 140 уйлар	Мукумий кўча 20а, 20б, 20в, 21, 140 уйлар рўйхатда кўрсатилмаганлиги сабабли тушиб қолган
217	“КаттаХирмонтепа”	20-мавзе, 1, 1а, 2, 2а, 3, 4, 5, 6, 7, 7а, 8, 8/1, 8/2, 8/3, 8/4, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18,19а, 19б, 19/5, 19/6–уйлар, Заргарлик 6-тор кўчасидаги 2,3,4,5,6,7,7а,8,9,10,11,13,13а уйлар	МФЙ номи “Катта Қани” деб берилган аслида “Катта Хирмонтепа” бўлган ва 19а,19б,19/5,19/6, Заргарлик 6-тор кўчасидаги 2,3,4,5,6,7,7а,8,9,10,11,13,13а уйлар ҳам қолиб кетган

217	“Sharqtongi”	Хакимхон 4-тор кўчаси 5а уй, Дилбанд кучаси 30уй (1-32 та хонадон) Дилбанд кўчаси 30-34 хонадонлар, 3-пр Гулистон кўча 1, 5, 6, 43, 45 уйлар,3-Гулистон кўчаси 5 уй	Хакимхон кучаси 4-тор 5а уй, Дилбанд кучаси 30 уй (1-32 та хонадон), Дилбанд кўчаси 30-34 хонадонлар, 3-пр Гулистон кўча 1, 5, 6, 43, 45 ва 3-Гулистон кўчаси 5 уйлар рўхатда кўрсатилмаганлиги сабабли тушиб қолган
280	“Гулистон”	Гулистон мавзеси, 1-11 гача, 29-50 гача, 57, 59, 60 - уйлар	5 ва 57-уйлар рўхатда кўрсатилмаганлиги сабабли тушиб қолган

Изоҳ: Туман ҳокимининг 2019 йил 17 апрелдаги “Чилонзор тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактабларини микроучасткаларига бириктиришни тартибга келтириш тўғрисида”ги 25-ф-сонли фармойишида белгиланган Навбахор маҳалла фуқаролар йиғини тўлалигича **Ц-мавзеси**, Олмазор маҳалла фуқаролар йиғини **“Олмазор” мавзеси**, Гулистон ва Бахористон маҳалла фуқаролар йиғинлари **Гулистон мавзеси**, Новза маҳалласи, **И-24, Е-мавзеси,** Бешчинор маҳалласи тўлалигича **5-мавзеси**, Шарқ ва Шараф маҳалла фуқаролар йиғини эса **Шарқ мавзеси,** “Хирмонтепа”, “Шухрат”, “Кичик Хирмонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини19-мавзеси этиб белгиланиши инобатга олинсин.

Асосга тўғри

UMUMIY BULIM

Туман ҳокимининг
23 август даги
2044 -сонли қарорига
1-илова

Тасдиқланган микроуҳудуд доирасида яшовчи, лекин таълим тили бўйича шу таълим муассасаси томонидан қамраб олинмайдиган болаларни тегишли тартибда йиғим ундирилмаслик шарти билан бошқа таълим муассасаларига бириктириш

РЎЙХАТИ

1) 103-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида таълим рус тилида олиб борилиши сабабли, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 162-сонли умумтаълим мактабига;

2) 114-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 202–сонли умумтаълим мактабига;

3) 128-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 90–сонли умумтаълим мактабига;

4) 131-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 188–сонли умумтаълим мактабига;

5) 162-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 163–сонли умумтаълим мактабига;

6) 173-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 183–сонли умумтаълим мактабига;

7) 179-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 183–сонли умумтаълим мактабига;

8) 188-сонли умумтаълим мактабида таълим рус тилида олиб борилиши сабабли, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 232–сонли умумтаълим мактабига;

9) 200-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, ушбу микроҳудудда яшаб, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 202-сонли умумтаълим мактабига;

10) 201-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, ушбу микроҳудудда яшаб, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 281-сонли умумтаълим мактабига;

11) 270-сонли умумтаълим мактабида таълим ўзбек тилида олиб борилиши сабабли, ушбу микроҳудудда яшаб, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 188-сонли умумтаълим мактабига;

12) 280-сонли умумтаълим мактабида таълим рус тилида олиб борилиши сабабли, ушбу микроҳудудда яшаб, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабга қабул қилиниши лозим бўлган болалар мазкур микроҳудудга яқин ҳудудда жойлашган 126–сонли умумтаълим мактабига.

UMUMIY BULIM